

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзгидромет Бош директори,

Ҳайъат раиси

Ш.Ҳ. Ҳабибуллаев



«29» 03 2021 й.

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг
видеоконференция алоқаси орқали кенгайтирилган ҳайъат
йиғилишининг
6-сон БАЁНИ**

2021 йил 29 март

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев

Ўзгидромет Бош директори, ҳайъат раиси

Қатнашдилар:

Ўзгидромет марказий аппарат бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар гидрометеорология бошқарма бошлиқлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда “Метеоинфосистем” АТБ, Гидрометеорология техникуми раҳбарлари.

Таклиф

қилинганлар:

Алиева З. – Ўзгидромет касаба уюшмаси раиси

Ҳайъат йиғилиш мажлиси кун тартибини Бош директор Ш.Ҳабибуллаев муҳокамага қўйди ва йиғилиш аъзолари томонидан кун тартиби бир овоздан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзгидромет касаба уюшмаси 2020 йилда амалга оширган ишлари бўйича ҳамда 2021 йил режаси бўйича дастлабки тақдимот ҳисоботи (очик).

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзгидромет касаба уюшмаси раиси З.Алиеванинг ахбороти тингланди. Жумладан:

1. Ўзгидромет касаба уюшмасининг 2020 йилда амалга оширган ишлари бўйича ҳамда 2021 йил режаси бўйича тақдимот ҳисоботи;

2. Ўзгидромет касаба уюшмаси текшириш комиссияси амалга оширган ишлар бўйича И.Дергачёванинг ҳисоботи;

3. 2021 йил учун касаба уюшмаси сметаси кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича Е.Резникнинг маълумотлари тингланди.

2. Соҳада мақсадли кўрсаткичлар бўйича биринчи чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан бошқарма бошлиқларининг ҳисоботлари (ёпик).

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзгидромет Молия-иқтисод бошқармаси Режа-иқтисод бўлими бош мутахассиси И.Обидованинг ахбороти тингланди. Жумладан Ўзгидрометда мақсадли кўрсаткичлар бўйича 1-чоракда амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди, унга кўра:

1. Ўзгидромет Марказий аппарати бошқармаларининг мақсадли кўрсаткичлари хўжалик шартномалари ва тушумлари бўйича;
2. Худудий гидрометеология бошқармаларининг мақсадли кўрсаткичлари хўжалик шартномалари ва тушумлари бўйича;
3. Ўзгидромет таркибий тузилмаларининг мақсадли кўрсаткичлари хўжалик шартномалари ва тушумлари бўйича;
4. Ўзгидромет Марказий аппарати бошқармаларининг 1-чорак ҳаражатлари бўйича;
5. Худудий гидрометеорология бошқармаларининг 1-чорак ҳаражатлари бўйича;
6. Ўзгидромет таркибий тузилмаларининг 1-чорак ҳаражатлари бўйича ҳисоботлари тингланди.

Кун тартибидаги масалалари юзасидан қилинган маърузалар ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Ўзгидромет маркази раҳбарияти **қарор қилади:**

1. Ўзгидромет касаба уюшмаси 2020 йилда амалга оширган ишлари бўйича ҳамда 2021 йил режаси бўйича тақдимот ҳисоботи (очик).

З.Алиева, Е.Резник, Дергачёва, Г.Гранкина

1. Ўзгидромет касаба уюшмаси раиси З.Алиеванинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзгидромет касаба уюшмаси (З.Алиева), “Метеоинфосистем” АТБ (Ф.Болтабоев):

- Ўзгидромет касаба уюшмаси фаолиятини баҳолаш бўйича сўровнома ўтказилишини;

- Очиқликни таъминлаш мақсадида Ўзгидромет расмий веб сайтида касаба уюшмасининг ҳисоботларини кўрсатиб боришни таъминласин.

3. Ўзгидромет касаба уюшмаси (З.Алиева):

- **10 кун муддатда** 2021 йил Ўзгидромет марказий аппарати бошқармалари ва худудий бошқармалар кесимида смета лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқлашни;

Ўзгидромет ходимларига сўровига биноан моддий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш, спорт мусобоқаларини ташкил қилиш, тарихий обидаларни зиёратларини ташкиллаштириш, маданий – маърифий ишларни амалга оширишни таъминласин.

2. Соҳасида мақсадли кўрсаткичлар бўйича биринчи чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан бошқарма бошлиқларининг ҳисоботлари (ёпиқ).

Т. Ходжамуродов, И. Обидова ва Бошқарма бошлиқлари

I. Ўзгидромет Молия-иқтисод бошқармаси Режа-иқтисод бўлими бош мутахассиси И.Обидованинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

II. Молия-иқтисод бошқармаси (Т.Ходжамуродов) белгиланган кўрсаткичларга эришган бошқарма ва бўлим бошлиқларига:

1. Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи К.Захидовга лавозим окладидан 100% миқдорида ;

- Гидрологик кузатувлар тармоғи бўлими (ГКТБ) бошлиғи Г.Хамдамова;
- Метеорологик кузатувлар тармоғи бўлими (МКТБ) бошлиғи А.Вдовенко;
- Хавфли гидрометеорологик ходисалар мониторинги бўлими (ХГХМБ) бошлиғи Д.Азимов;
- Агрометеорологик кузатувлар тармоғи бўлими (АКТБ) бошлиғи Д.Ахунджановаларга лавозим окладидан 50% миқдорида.

2. Авиацияни метеорологик таъминоти бошқармаси А.Ражабовага лавозим окладидан 100% миқдорида;

- Менежмент сифати назорати бўлими Л.Гадильшинага лавозим окладидан 50% миқдорида бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик **рағбатлантириш мукофот** пули тўланишини таъминласин.

3. Белгиланган кўрсаткичларга эришган ҳудудий гидрометеорология бошқарма бошлиқлари:

- Навоий вилояти гидрометеорология бошқармаси Б.Мирзаев;
- Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси А.Қдирниязов;
- Андижон вилояти гидрометеорология бошқармаси И.Махмудовга лавозим окладидан 50% миқдорида бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик **рағбатлантириш мукофот** пули тўланишини таъминласин.

III. Кадрлар бўлими (Ш.Ибрагимова), Юридик бўлим (Г.Юсупова):

1. Мақсадли кўрсаткичлари режага нисбатан жуда кам бўлган бошқарма ва ҳудудий бошқарма бошлиқлари:

- Табиий муҳит ифлосланиши мониторинги бошқармаси бошлиғи М.Плоценга;
- Бухоро вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи М.Хусаиновга **хайфсан** эълон қилинишини таъминласин.

2. Мунтазам равишда Ҳайъат йиғилишида қатнашмагани учун Инфратузилма ва ер усти тармоқларига муҳандислик хизмати бошқармаси бошлиғи В.Кивенкоддан тушунтириш хати олишни таъминласин.

IV. Бош директор биринчи ўринбосари (Б.Нишонов), Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси (Қ.Захидов), Кадрлар бўлими (Ш.Ибрагимова):

- Хоразм вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи Х.Дусчановнинг эгаллаб турган лавозимини кўриб чиқиши;

- Худудий гидрометеорология бошқармалари бошлиғи ва ўринбосарлари вакант лавозимларига номзодлар бўйича ўрнатилган тартибда таклиф киритилишини;

- Худудий гидрометеорология бошқармалари бошлиқларини иқтисодий фирклаш бўйича малакасини ошириш мақсадида Ўзбек-Япон ўқув-тренинг марказига курсларга юборилишини ташкиллаштириш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

V. Бош директор биринчи ўринбосари (Б.Нишонов), Табиий муҳит ифлосланиши мониторинги бошқармаси бошлиғи М.Плоцен Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси (Қ.Захидов), Худудий гидрометеорология бошқармалари лабораторияларини аккредитациядан ўтказиш бўйича **3 кун муддатда** таклифлар тайёрлаш ва Бош директорга киритилишини таъминласин.

VI. Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси (Қ.Захидов), Навоий вилояти бошқармаси (Б.Мирзаев) ГАНК-4 автоматик газ анализатори, кимёвий реагентлар, шиша идишлар сотиб олиш бўйича таклиф киритсин.

VII. Марказий аппарат бошқармалари, худудий бошқарма ва таркибий тузилма бошлиқлари:

- мақсадли кўрсаткичлар бўйича бажарилмаган режани иккинчи чоракда кўшиб бажаришни;

- ой якунлари бўйича йиғилишларда муҳокама қилиш учун мақсадли кўрсаткичлар режаси бўйича ҳар ойнинг **25 санасига** қадар ҳисоботларни режа-иқтисод бўлимига топширилишини;

- белгиланган натижага эришиш бўйича шахсий масъулиятни янада оширишни таъминласинлар.

- Шунингдек иш фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича фойдали таклиф берганларга нисбатан мукофот пули берилишини ва уни амалга оширилишидан (реализация) тушган фойдадан доимий ҳисса бериш тизимини амалиётга жорий қилишни ташкиллаштирадилар.

VIII. Мазкур баён назоратини Бош директор биринчи ўринбосари Б.Нишоновга юклатилсин.

Котиб МБИваИИБ 1-тоифали муҳандис

Д.Исхакова